

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ САРДОРЖОН ЭРКИН ЎҒЛИ

**ПИЁЗ ЎСИМЛИКЛАРИДА ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИ ҚЎЗГАТАДИГАН
АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

**Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Авазов Сардоржон Эркин ўғли

Пиёз ўсимликларида замбуруғ турлари қўзғатадиган асосий
касалликлар ва уларга қарши кураш чоралари
(Тошкент вилояти мисолида)3

Авазов Сардоржон Эркин ўғли

Основные грибные болезни луковичных растений и меры борьбе
с ними. (на примере Ташкентской области).....17

Avazov Sardorjon Erkin o'g'li

Major fungal diseases of onion and their control (in Tashkent region
as an example).....31

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications.....34

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ВА АНДИЖОН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

АВАЗОВ САРДОРЖОН ЭРКИН ЎҒЛИ

**ПИЁЗ ЎСИМЛИКЛАРИДА ЗАМБУРУҒ ТУРЛАРИ ҚЎЗГАТАДИГАН
АСОСИЙ КАСАЛЛИКЛАР ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ЧОРАЛАРИ
(Тошкент вилояти мисолида)**

06.01.09 – Ўсимликларни химоя қилиш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2017

Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Qx69 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.agrar.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Яхяев Хашим Касимович

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич
биология фанлари доктори, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович

биология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ва Андижон қишлоқ хўжалик институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Qx.13.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «3» ноябр соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (43568 рақами билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. ТошДАУ Ахборот ресурс маркази биноси, 1-қават. Тел.: (99871) 260-48-00; факс: (99871) 260-38-60.

Диссертация автореферати 2017 йил «21» октябрда тарқатилди.
(2017 йил «3» октябрдаги 7 рақамли реестр баённомаси.)

Б.А.Сулаймонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., профессор

Я.Х. Юлдашов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.н., доцент

М.М.Адилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида бугунги кунда пиёз ўсимлиги, барча яшил ўсимликлар сингари, ҳар хил гуруҳга кирадиган микроорганизмлар билан зарарланиши ва ушбу касалликларнинг аксариятини замбуруғлар қўзғатиши исботланган. ФАО маълумотларига кўра, дунё бўйича пиёзнинг йиллик ҳосилдорлиги касаллик ва зараркунандалар келтирадиган зарар натижасида ўртача 30 фоизга камаяди, шундан 20-80 фоизгача маҳсулотни сақлаш даврига тўғри келади.¹

Республикамизда мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалигида сабзавотчилик соҳасини ривожлантириш борасида кенг қамровли тадбирлар амалга оширилди. Бунинг натижасида сабзавотчиликда асосий экин ҳисобланган пиёз ўсимлигидан турли экиш муддатларида юқори ва сифатли ҳосил олиш технологиялари ҳамда қишда сақлаш даврини узайтириш усуллари ишлаб чиқишга эришилди. Бу борада пиёз ўсимлигини етиштиришда замбуруғли касалликлар билан зарарланиши даражасини камайтириш ва уларга қарши кураш чораларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мева-сабзавот ва полиз экинларини етиштиришда ўсимликларни турли касаллик ва зараркундалардан ҳимоя қилиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада касаллик ва зараркунандаларга чидамли пиёз навларини яратиш ва пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва соҳани ривожлантиришга катта зарар келтирадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда дунёнинг ривожланган бир қатор мамлакатлари, жумладан АҚШ, Хитой, Япония, Испания ва Мисрда пиёз ўсимлигини етиштириш, уларнинг касалликларини аниқлаш ва уларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш кенг йўлга қўйилган. Пиёз ўсимлигида кенг тарқалган ва ўта хавfli касалликлар қаторига сохта ун-шудринг, пиёз бўғзи чириши, занг, қоракуя, пиёз таги оқ чириши ва қора моғор киради. Тошкент вилояти шароитида кўп экиладиган пиёз ўсимлигида замбуруғлар қўзғатган касалликларни аниқлаш, патоген турларнинг культурал - морфологик, биологик хусусиятларини аниқлаш, уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар долзарб бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон «2016-2010 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислох қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4478-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 мартдаги 148-сон «Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизматини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»

¹ <http://www.fao.org>

қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Пиёз маҳсулотига бўлган талаб йилдан-йилга ошиб бориши ва уни тўлақонли қондириш мақсадида олим ва мутахассислар томонидан кенг қамровли изланишлар олиб борилган. Жумладан, зараркунанда ва касалликларга чидамли, ўсиш муҳитларига мослашган янги навлар яратилган ва пиёз етиштириш технологиялари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилган. Касаллик қўзғатувчи микроорганизмларга қарши агротехник, биологик, кимёвий ва уйғунлашган кураш чоралари ишлаб чиқилган.

Илғор технологияларни қўллаш натижасида пиёз маҳсулотининг ҳосили йилдан-йилга ошиб бормоқда. Айрим илғор фермер хўжаликлари 100 т/га ва ундан ҳам юқори ҳосил олишга эришмоқдалар (Жидков, Резников, Лазарев, Гареева, Дубинин, Осиков, Елизаров ва бошқалар).

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат аграр университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ҚХА-9-141-2015 «Қишлоқ хўжалик экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилишнинг илмий асосланган мажмуавий дастурини яратиш» (2015-2017 йй.) ва ҚХА-9-148-2015 «Мева-сабзавот ва картошка маҳсулотларини сақлаш даврида учрайган зарарли организмларнинг ривожланишини мониторинг қилиш ва уларга қарши курашни такомиллаштириш» (2015-2017 йй.) амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади: Тошкент вилояти шароитида пиёз ўсимлигида кенг тарқалган замбуруғ турлари қўзғатувчи касалликларни аниқлаш ва замбуруғ турларининг культурал-морфологик ҳамда биологик хусусиятларига асосланган ҳолда уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пиёз ўсимлигининг касалланган аъзоларидан гербарий намуналари йиғиш ва гербарий намуналарида замбуруғ турларини аниқлаш;

пиёз ўсимлигида учрайдиган касалликларнинг ташхислаш ва замбуруғ турларини соф культураларга ажратиш;

патоген замбуруғ турларининг ўсимликларни касаллантириш даражасини аниқлаш;

патоген замбуруғ турларининг культурал-морфологик хусусиятларини ва тарқалишини аниқлаш;

пиёз ўсимлигида кенг тарқалган ва ўсимликка зарар келтирадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент вилояти шароитида пиёз ўсимлигининг уч хил тури: *Allium cepa* - бош пиёз, *Allium porrum* - порей пиёзи ва *Allium schoenoprasum* – шнитт пиёзи олинган.

Тадқиқотнинг предмети пиёз ўсимлигида касаллик қўзғатадиган замбуруғларнинг 57 та тури бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий-тадқиқот ишларини бажариш жараёнида микология, фитопатология ва ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида А.Я.Семенов, А.П.Абрамова, М.К.Хохряков, Н.М.Пидопличко, В.И.Билай, П.Н.Головин, М.К.Хохряков, Т.А.Добразракова, К.М.Степанов, М.Ф.Летова, М.А. Литвинов каби олимлар томонидан ишлаб чиқилган услублардан фойдаланилди. Замбуруғ турларини систематик жойлаштиришда G.C.Ainsworth, D.L.Hawksworth, G.R.Bisby усуллари ёрдамида амалга оширилди. Касалликларнинг ривожланиш даражасини собиқ Бутуниттифоқ ўсимликларни ҳимоя қилиш институти томонидан ишлаб чиқилган услубий қўлланмадан, касалликлар тарқалиши даражаларини аниқлашда А.Е.Чумаков, Т.И.Захарова усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

илк бор пиёз ўсимлигининг касалланган аъзоларидан 597 та гербарий намуналари тўпланиб, уларнинг 2 та дунё, 4 та филум, 8 та тартиблар гуруҳи, 12 та оила ва 57 та замбуруғ турларига мансублиги аниқланган;

57 та замбуруғ туридан 29 таси Тошкент вилояти шароитида пиёз ўсимлигида касаллик қўзғатиши аниқланган;

энг кўп тарқалган турлар *Deuteromycetes* сунъий гуруҳи 34 та, *Basidiomycota* филумига 10 та, *Ascomycot* филумига 9 та, *Oomycota* филумига 3 та тури, *Botrytis* туркумида 5 та, *Puccinia*, *Penicillium*, *Aspergillus* туркумларида 4 та, *Melampsora*, *Phyllostictaga* 3 та ҳамда қолган туркумларда 1–2 тадан турлар қайд қилинган;

57 та турдан Тошкент вилояти шароитида кенг тарқалган 22 та замбуруғ тури пиёз ўсимлигига зарар келтириши исботланган;

ҳақиқий паразитларга сохта ун-шудринг, занг, қоракуя ва факультатив паразитларга альтернариоз, ботритиоз, фузариоз, фомоз, кладоспориоз, аспергиллёз, пенициллёз касалликларини қўзғатган замбуруғ турлари зарарлаши исботланган;

биологик хусусиятларидан келиб чиқиб, касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари пиёз ўсимлигининг ҳар хил аъзоларини жумладан, сохта ун-шудринг касаллигини қўзғатувчи *P. Schleideniana* замбуруғи пиёзнинг ўсувчи аъзоларини, пиёз бўғзини зарарловчи *B. cinerea* ўсимликнинг барг, гулпоя, гуллари, уруғи, пиёзбоши, илдизини ҳамда занг касалликлари гуруҳига кирган турлар асосан баргини, чириш касаллигини қўзғатган турлар пиёзбошини, пиёз тагини ва илдизини касаллантириши исботланган;

пиёз уруғидан 11 та замбуруғ тури, шундан 3 таси уруғнинг ички тўқималарини (*B. cinerea*, *P. schleideniana*, *U. Cepulae*) зарарлаши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Тадқиқотлар натижасида пиёз ўсимлигида кенг тарқалган ва кўп зарар етказадиган касалликлар аниқланди ва

уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилди, жумладан Превикур SL722 с.э.к. ва Пергадо Ф с.д.г. фунгицидлари қўлланилди. Уларнинг сохта ун-шудринг ва некрозларга қарши биологик самарадорлиги 15 кундан кейин Превикур SL да 90,9-92,0% ва Пергадо Ф 86,5-91,5% ни ташкил этди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Дала тажрибалари апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар ҳисоботлари муҳокама этилганлиги, тақриз қилинганлиги, тадқиқот натижалари математик-статистик таҳлиллардан ўтказилганлиги, олинган илмий натижалар ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, инновацион ярмаркаларда муҳокама қилинганлиги ҳамда изланишлар натижаларининг ишлаб чиқаришга жорий қилингани; тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро микёсдаги илмий конференцияларда муҳокама этилгани, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фитопатология, микология, ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги назарий билимларни ҳамда пиёзда касаллик кўзгатувчи микроорганизмларнинг биологияси ва физиологиясига тегишли маълумотларни кенгайтириш билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пиёз ўсимлигининг вегетация даврида ва маҳсулотларни сақлаш жараёнларида замбуруғлар кўзгатувчи касалликларни аниқлаш, чуқур илмий ва амалий таҳлил қилиш ва уларнинг ташхисини тўла тавсифлаб бериш асосида касаллик кўзгатувчи замбуруғ турларига қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пиёз ўсимлигининг замбуруғ турлари кўзгатувчи касалликларига қарши кураш бўйича олиб борилган тақиқотлар натижалари асосида:

пиёз ўсимлигининг сохта ун-шудринг касаллигига қарши курашда «Превикур SL 722 с.э.к.» фунгицидини қўллаш усули Тошкент вилоятининг Зангиота тумани «Шуҳрат зиё» ва «Исломухўжа Ниғмонхўжа» фермер хўжаликларида, Қибрай туманида Истиклол агрофирмасига қарашли «Темир қадам Носиров Абдирайим» ва «Салар файз» фермер хўжаликларида жами 6,0 гектар майдонга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 07/23-655-сон маълумотномаси). Натижада пиёзнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. 1 кг/га сарф-меъёрида ишлов берилганда ҳосилдорлик гектарига 39,6 тоннани ва рентабеллик 164,2% ташкил этган;

пиёз ўсимлигининг ўсув даврида ва маҳсулотни сақлашда учрайдиган касалликларга қарши «Пергадо Ф., с.д.г.» фунгициди қўлланган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 24 августдаги 07/23-655-сон маълумотномаси). Бунда пиёзнинг фузориоз чиришга қарши биологик самарадорлиги 15-30 кундан кейин ишлов берилганда 92,2 фоизга ва 45 кундан кейин ишлов берилганда эса 69,6 фоизни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та, жумладан 5 та халқаро 1 Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган, 2 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг «**Аграр соҳада пиёзчиликни ривожлантириш йўналишлари (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи ёзилган бўлиб, унда пиёзчилик соҳасининг инсонлар ҳаётида тутган ўрни, кўп қирралилиги, ривожланган бир қатор мамлакатлар аҳолисининг пиёзга талабини қондириш, унинг ҳосилдорлигини ошириш учун экинни касалликлардан ҳимоя қилиш йўллари ва усуллари баён этилган. Аммо, ушбу соҳада пиёз етиштиришдан ташқари уни омборхоналарда сақлаш жараёнида замбуруғ касалликлари таъсирида ҳам бир қанча омиллар мавжудлиги ва уларни бартараф этиш йўллари ва усуллари ёритилган.

Диссертациянинг «**Тошкент вилоятининг географик жойланиши, табиий иқлими ва тупроқ хусусиятлари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароити, табиий-географик ва агрометеорологик тавсифи ўрганилган ва тажриба ўтказиш шароити бўйича илмий иш манбалари ва услублари ишлаб чиқилган.

Диссертация мавзуси бўйича тадқиқотлар қуйидаги кетма-кетликда бажарилган: касалланган пиёз ўсимликлари ва уларнинг аъзоларидан гербарий намуналарини йиғишда ботаника ва фитопатология соҳасидаги усуллардан; замбуруғларнинг соф культураларини олишда М.А. Литвинов; А.И. Дудка, С.П. Васер, И.А. Эланская, Э.З. Коваль усулларидан; пиёз уруғларидан замбуруғларни ажратиш ва уларни аниқлашда А.Я. Семенов, А.П. Абрамова, М.К. Хохряков усулларидан ва касалланган пиёз тўқималаридаги замбуруғ

турларини аниқлашда В.И. Билай; П.Н. Головин; Т.А. Доброзракова ва бошқ. ҳамда Н.М. Пидопличколарнинг аниқлагичларидан фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Илмий-тадқиқот ишларини бажариш даврида қўлланилган иш услублари**» деб номланган учинчи бобида Тошкент вилояти шароитида етиштирилаётган пиёзлардан ажратилган ва аниқланган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари ва уларнинг систематик жойланиши бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. Лаборатория шароитида миколог ва фитопатологог олимлар ишлаб чиққан ва шу соҳада қабул қилинган усуллардан фойдаланиб уларнинг турлари аниқланган. Мавжуд илмий адабиётлардан фойдаланган ҳолда пиёз 57 та турга мансуб замбуруғ турлари билан касалланиши аниқланган.

Диссертациянинг «**Пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва пиёзчиликка катта зарар етказадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг биологик хусусиятлари**» деб номланган тўртинчи бобида пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва катта зарар етказадиган касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг биологик хусусиятлари, ўсимлик билан касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг ўзаро муносабатлари ўрганилган.

Тадқиқотлар натижасида пиёз ўсимликларида замбуруғлар қўзғатган касалликларнинг ташқи белгиларига асосланиб, улар 5 гуруҳга бирлаштирилди.

Некроз ва доғланишлар – пиёз ўсимликларининг барглари ва бошқа аъзоларида кенг тарқалган касалликлардан ҳисобланади. Некрозлар ҳар хил шаклдаги катта-кичик доғлар (ўсимликларнинг ўлган тўқималари) ҳисобланади.

Ғуборлар – пиёз ўсимликларининг барглари, гулпоялари юзасида касаллик қўзғатувчи замбуруғ турларининг мицелий, конидиофора ва конидияларидан ташкил топган ёстиқча турларидир.

Ёстиқчалар қалин ғуборлар бўлиб, улар пиёз ўсимликларининг барглари ва гулпояларида, думалок, чўзинчоқ, тепага қараб дўмбоқлашиб кўтарилиган шаклда бўлади. Замбуруғ споралари ўсимлик аъзоларининг тўқималарига тушгандан сўнг ўсиб чиққан мицелийлари ўсимликнинг ҳужайра ораллиқларига жойлашиб, ўсимлик ҳужайралари ичида ўсишлари натижасида гифалардан ташкил топган ҳамда тўқима ичига эгилиб кирган эций, урединия, телиялар ҳосил бўлади. Улар ўсиб катталлашиб, ўсимликнинг эпидермиси йиртилиб кетишига олиб келади. Кейин ёстиқчалардан споралар ташқарига тарқалади ва янги ўсимлик аъзоларини касаллантиради. Эций ёстиқчалари оч-сарикдан тўқ-сарик (апельсин тусли) гача, урединиялар оч-кўнғирдан кўнғиргача ва телиялар тўқ-кўнғирдан деярли қора ранглигача бўлади.

Қоракуя – пиёз ўсимлигининг баргларида, гулбандида дўмбоқ, шишга ўхшаш пуфакчалар шаклидаги бўртмалардир. Улар олдин ўсимликнинг эпидермис қатлами остида ҳосил бўлиб, кейин эпидермис йиртилгач, ичидан кўп миқдорда қора кукун шаклли телиоспоралар массаси чиқади. Бунда баргларнинг зарарланган қисмлари хунук шакл олади ва улар нобуд бўлади.

Чириш – пиёз ўсимликларида кенг тарқалган ва пиёзчиликка кўп зарар келтирадиган касалликлардан бири ҳисобланади. Чириш касаллигини қўзғатувчи замбуруғ турлари олдин ўсимликнинг пиёзини юмшатади ва сўнгра

чиритади, касал тўқима бўшашиб, юмбаб қолади ва натижада бўтқага ўхшаб чириydi. Касаллик қўзғатувчи замбуруғ турига муносиб равишда ўсимликларнинг чириган аъзолари устида ҳар хил рангли губорлар ҳосил бўлади. Склеротиниоз чиришда оқ, ботритиозда – кулранг, фузариозда – пушти, альтернариозда – қора, пенициллёзда – яшил ва ҳоказо.

Касалланган пиёз ўсимликларида аниқланган касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг озикланиш усуллари 1-жадвалда келтирилган ва ундаги маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳақиқий паразит турларга сохта ун-шудринг, занг, қорақуя касалликларини қўзғатувчи замбуруғ турлари киради.

Факультатив паразитлар гуруҳига кирган замбуруғ турлари ҳам хўжайин ўсимликларнинг тирик, ҳам ўлик тўқималари ҳисобига яшайди. Жумладан, Ascomycota филумининг некротроф вакиллари одатда анаморфа (конидиал) босқичида деярли бутун ўсув даври давомида паразит, телеоморфа (жинсий) босқичларида эса (куздан эрта баҳоргача) сапротрофларга хос усулда озикланади.

Ушбу гуруҳга кирувчи бир қатор замбуруғлар ҳар хил органик муҳитларда ҳам яшаши мумкин. Улар орасидаги кучсиз паразитлар тирик ўсимликларнинг фақат бирор сабаб туфайли заифлашган тўқималарини зарарлай олади. Масалан, *Aspergillus*, *Cladosporium* ва баъзи бошқа туркумларга мансуб турлар стресс ҳолатига тушган ўсимликларнинг майсалари, илдиз тизими ва пиёзларини зарарлаши мумкин.

Пиёз экини уруғларидан ажратилган замбуруғ турлари 11 тани ташкил қилган бўлиб, улардан 9 таси уруғларнинг устки қисмидан, 3 таси эса ўсимлик тўқимаси ичидан ажратилди.

Диссертациянинг «**Пиёз ўсимликларининг ривожланиш даврида ҳамда уларнинг маҳсулотларини омборхонада сақлашда замбуруғ турлари қўзғатган касалликлар**» деб номланган бешинчи бобида пиёз ўсимликларида асосий касаллик қўзғатувчиларнинг тавсифи берилган.

Мавжуд касалликлар бир-биридан ташқи кўриниши ва биологик хусусиятлари билан фарқланиши, замбуруғ турларини ўсимликларнинг баргида, гулбандида ҳар хил рангли ва шаклли доғлар ҳосил қилиш сабаблари аниқланиб, уларни бартараф қилиш йўллари асослаб берилди.

Диссертациянинг «**Пиёз касалликларига қарши кураш чоралари**» деб номланган олтинчи бобида пиёз касалликлари ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқот натижалари ёритилган. Ўсимлик касалликларига қарши ишлатиладиган барча кураш усулларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин: профилактик чоралар (огоҳлантирувчи, олдини олувчи) ва терапевтик чоралар (даволовчи).

Ўсимлик касалликларига қарши кураш чораларига комплекс агротехник тадбирлар, кимёвий, биологик ва бошқа кураш усулларига ҳам бўлинади.

Ушбу усуллар ичида ўсимликларни касаллик ва бегона ўтлардан химоя қилишда кимёвий кураш чоралари энг тезкор ва самарали воситалар бўлиб ҳисобланади.

Пиёз ўсимликларида аниқланган замбуруғ турларининг озикланиш усулларига қараб тақсимланиши

Замбуруғ турлари	Озикланиш усуллари бўйича гуруҳлар	
	Ҳақиқий паразитлар	Факультатив паразитлар
<i>Alternaria alternata</i> (Fr.) Keissl.		+
<i>Aspergillus niger</i> v. Tiegh.		+
<i>Botrytis allii</i> Munn.		+
<i>B. cinerea</i> Pers.		+
<i>Cladosporium fasciculare</i> Fries		+
<i>C. herbarum</i> (Pers.) Lk.		+
<i>Fusarium solani</i> (Mart.) Ap. et. Wr		+
<i>Melampsora allii-fragalis</i> Klebahn	+	
<i>M. allii-populina</i> Klebahn	+	
<i>M. allii-salicis albae</i> Klebahn	+	
<i>Penicillium rubrum</i> Stoll.		+
<i>Peronospora schleideniana</i> Cornu.	+	
<i>Phoma allicola</i> Sacc.		+
<i>Puccinia allii</i> (DC.) Rudolph.	+	
<i>P. permixta</i> Sydow.	+	
<i>P. porri</i> (Sow.) Winter	+	
<i>P. winteriana</i> Magnus	+	
<i>Sclerotinia sclerotiorum</i> (Lib.) De Bary		+
<i>Stemphylium allii</i> Oud.		+
<i>Urocystis allii</i> Schellenb.	+	
<i>U. cepulae</i> Frost.	+	
<i>Uromyces ambiguus</i> (DC.) Lev.	+	
Жами: 22	11	11

Пиёз ўсимликларининг касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидларнинг самарадорлиги тўғрисида маълумотлар камлиги ва янги фунгицидларни замбуруғлар кўзгатадиган касалликларга қарши қўллаш ҳақидаги маълумотлар йўқлиги сабабли айрим фунгицидларни касалликларга қарши қўллаш мумкинлигини ўрганишга алоҳида эътибор берилди.

Лаборатория тадқиқотлари давомида ишлаб чиқаришда сохта ун-шудринг, мева чириши ва доғланиш касалликларига қарши қўлланилаётган препаратлардан Топаз 10% эм.к., Топсин-М 70% н.кук., Пергадо Ф, с.д.г, Титул 390 эм.к., Превикур SL 722 с.э.к., Фалькон 46% эм.к. ҳамда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган Павлина 10% эм.к., Экто паз экстра 10% эм.к. ва Сегра 80% н.кук. каби фунгицидлар тажрибада синалди. Илмий ишни бажаришда ажратилган куйдаги фитопатоген замбуруғ турлари тест-культура сифатида қўлланилди: *Fusarium oxysporum*, *F. solani*, *Cladosporium herbarum*, *Alternaria alternata*, *Botrytis byssoidea*, *B. cinerea*, *Trichothecium roseum*, *Aspergillus niger*, *Penicillium chrysogenum*, *P. lanosum*, *Stemphylium allii*. Олинган натижалар 2-жадвалда берилган.

2-жадвал

**Қўлланилган фунгицидларнинг фитопатоген замбуруғларнинг
ривожланишини чеклашда ўсишсиз зоналар ҳосил қилиши (мм)**

Фунгицидлар Тест-культура	Топаз 10% эм.к.	Топсин-М 70% н.кук.	Пергадо Ф	Титул 390 КЭЖ	Превикур SL 722	Фалькон 46% эм.к.	Павлина 10% эм.к.	Энто паз экстра эм.к.	Сегра 80% н.кук.	назорат (сув)
<i>Fusarium oxysporum</i>	2	2	5	2	4	3	2	2	-	-
<i>Fusarium solani</i>	2	2	5	2	4	3	2	2	-	-
<i>Cladosporium herbarum</i>	4	3	5	3	4	3	1	3	-	-
<i>Alternaria alternata</i>	3	4	5	3	6	4	2	4	2	-
<i>Botrytis byssoidea</i>	4	4	6	4	5	4	2	4	2	-
<i>Botrytis cinerea</i>	4	5	6	4	6	5	2	4	2	-
<i>Trichothecium roseum</i>	4	5	6	3	6	4	3	3	1	-
<i>Aspergillus niger</i>	3	5	6	3	5	4	2	3	1	-
<i>Penicillium chrysogenum</i>	3	5	5	3	6	4	2	3	1	-
<i>Penicillium lanosum</i>	3	5	6	3	5	4	3	3	2	-
<i>Stemphylium allii</i>	3	5	6	3	6	4	3	3	1	-

3-жадвал

**Пиёзнинг сохта ун-шудринг касаллигига қарши фунгицидларнинг
биологик самарадорлиги (ишлаб чиқариш тажрибаси, 23.06.2016 й.,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар Файз» ф/х)**

Тажриба вариантлари, фунгицидлар сарф-меъёрлари	Пиёзнинг пероноспороз касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. фунгицидининг биологик самарадорлиги, %		
	15 кундан к/н	30 кундан к/н	45 кундан к/н
Пергадо Ф, с.д.г., 1,0 л/га	90,8	89,5	84,6
Превикур SL 722 с.э.к. 1,5 кг/га	91,5	91,0	85,5
Сегра 80% н.кук., 8,0 кг/га	89,8	88,0	79,2
Назорат	-	-	-

Олиб борилган тажрибалар асосида энг самарали фунгицидлар Превикур SL 722 с.э.к. ва Пергадо Ф, с.д.г. эканлиги қайд этилди. Бу препаратлар тупрок микромицетларига қарши ва мева чириши ҳамда доғланиш касалликларининг ривожланишини чеклашда яхши кўрсаткичларни намоён қилди.

Пиёзнинг замбуруғ касалликларига қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик самарадорлиги 3 ва 4 жадвалларда кўрсатилган.

Пиёзлар сақлаш даврида касалликлар ривожланиши даражаларини пасайтириш учун куйидаги фунгицидлар ишлатилган эди. Кенг тарқалган касалликлардан кулранг чириш ва фузариоз чиришга қарши сақлаш учун мўлжалланган пиёз ҳосилини полипропен қопларида фунгицид эритмасига 2 дақиқа ботириб олиш усули қўлланилди. Олинган натижалар 5- ва 6-жадвалларда кўрсатилган.

4-жадвал

Пиёзнинг некроз касаллигига қарши фунгицидларнинг биологик самарадорлиги (ишлаб чиқариш тажрибаси, 23.06.2016 й., Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Салар Файз» ф/х)

Тажриба вариантлари, фунгицидлар сарф нормалари	Пиёзнинг некроз касаллигига қарши фунгицидларининг биологик самарадорлиги, %		
	15 кундан к/н	30 кундан к/н	45 кундан к/н
Пергадо Ф,с.д.г., 1,0 л/га	86,5	80,6	76,5
Превикур SL 722 с.э.к., 1,5 кг/га	90,9	86,5	83,9
Сегра 80% н.кук., 8,0 кг/га	78,2	66,8	49,6
Назорат (и/б)	86,5	80,6	76,5

5-жадвал

Пиёзнинг кулранг чириш касалигига қарши Пергадо Ф фунгицидининг биологик самарадорлиги (Мева-сабзавот маҳсулотларини сақловчи омборхона ООО «Osyo Don Imprex-Exclusive»; Тошкент шаҳар, Олмазор тумани)

Тажриба вариантлари	Фунгицидларнинг биологик самарадорлиги, %			
	Ишловгача	15 кундан к/н	30 кундан к/н	45 кундан к/н
Пергадо Ф,с.д.г.,	-	83,7	82,4	64,7
Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г.,	-	77,6	74,5	51,5
Назорат (и/б)	-	-	-	-

**Пиёз ўсимликларидаги фузариоз чириш касаллигига қарши қўлланилган
фунгицидларнинг биологик самараси
(Мева-сабзавот маҳсулотларини сақловчи омборхона ООО «Osiyo Don
Imprex-Exclusive; Тошкент шаҳар, Олмазор тумани»)**

Тажриба вариантлари	Пиёз ўсимликларида фузариоз чириш касаллигига қарши қўлланилган фунгицидларнинг биологик самараси, %		
	15 кундан к/н*	30 кундан к/н	45 кундан к/н
Пергадо Ф, с.д.г,	92,2	92,1	73,9
Ридомил Голд МЦ 68% с.д.г.	91,6	90,1	69,6
Назорат (и/б)	-	-	-

ХУЛОСАЛАР

1. Тошкент вилояти далаларида ва иссиқхоналарида ўстириладиган пиёз ўсимликларининг касаллик қўзғатувчи замбуруғ турлари билан зарарланган аъзоларидан 597 та гербарий намуналари тўпладик. Улар 2 та дунё, 4 та филум, 8 та тартиблар гуруҳи, 12 та оила, 57 та замбуруғ турларига мансублигини аниқладик. Ушбу турлардан 29 таси пиёз ўсимликларида касаллик қўзғатиши Тошкент вилояти учун биринчи марта қайд қилинди. Энг кўп турлар *Deuteromycetes* сунъий гуруҳига – 34 та, *Basidiomycota* филумига 10 та, *Ascomycota* филумига 9 та, *Oomycota* филумига кирувчи 3 та турни ташкил қилди. Турлар сони жиҳатидан *Botrytis* туркумида 5 та, *Puccinia*, *Penicillium*, *Aspergillus* туркумларида 4 тадан, *Melampsora*, *Phyllosticta* – 3 тадан, қолган туркумларда 1-2 тадан турлар қайд қилинди.

Шу 57 та турдан Тошкент вилояти шароитида кенг тарқалган, пиёзчиликка кўп зарар келтирадиган 22 та замбуруғ турларини танлаб олдик ва кейинги илмий-тадқиқот ишларимизни шу турлар билан давом эттирдик.

2. Касаллик қўзғатган замбуруғ турлари билан пиёз ўсимликларининг ўзаро муносабатлари натижасида касалланган ўсимлик аъзоларида ҳосил бўлган ўзгаришларни 5 та гуруҳга бирлаштирдик: некрозлар / доғлар, ғуборлар, занг ёстикчалари, қоракуя пуфакчалари ва чириш.

3. Аниқланган замбуруғ турларининг озикланиш усулларига қараб 2 та гуруҳга мансублиги аниқланди. Улардан 11 та замбуруғ турлари облигат паразитлар гуруҳига ва қолган 11 та замбуруғ факультатив факультатив паразитларга кириши исботланди.

Ҳақиқий паразитларга сохта ун-шудринг, занг, қоракуя; факультатив паразитларга ботритиоз, фузариоз, фомоз, склеротиниоз, стемфилиоз альтернариоз, аспергиллёз, кладоспориоз, пенициллёз касалликларини қўзғатувчи замбуруғлар киритилади.

4. Биологик хусусиятларига биноан сохта ун-шудринг касаллигини кўзғатган *Peronospora schleideniana* пиёз ўсимлигининг ҳамма ўсувчи аъзоларини, *Botrytis cinerea* барг, гулпоя, гуллари, уруғлари, пиёзбоши, илдиз тизимини; *Puccinia*, *Melampsora*, *Uromyces* туркумларига кирган турлар асосан пиёзнинг баргини, гулпоясини, чириш касаллигини кўзғатган турлар пиёзбоши тагини ва илдизини зарарлаши исботланди.

5. Пиёз уруғларида 11 та замбуруғ тури аниқланди. Улардан 3 таси (*Botrytis cinerea*, *Peronospora schleideniana*, *Urocystis cepulae*) уруғнинг ички тўқималаридан, 8 таси (*Aspergillus*, *Botrytis*, *Cladosporium*, *Penicillium*, *Pyrenochaeta*, *Trichothecium* туркумларига мансуб турлар) ташқи қисмларидан ажратилди.

6. Пиёз ўсимликлари экилган далалар шароитида энг кенг тарқалган касалликлардан пиёзбоши бўғзи чириши, касаллик кўзғатувчиси *Botrytis allii* – 75,3 %; пиёзбош таги оқ чириш – *S. sclerotiorum* – 69,3%; сохта ун-шудринг, ёки пероноспороз – *Peronospora schleideniana* – 64,2%; ботритиоз доғланиш – *Botrytis cinerea* – 52,8%; занг – *Puccinia allii* – 43,1%; пиёзбоши қора доғланиши – *Alternaria alternata* – 39,8%; энг кам тарқалганларга занг – *Melampsora allii* – *populina* – 13,7% ва *Uromyces ambiguus* – 9,8% ни ташкил қилди.

7. Ўтказилган тадқиқотларда пиёз ўсимликларида учрайдиган хавфли касалликларга қарши Превикур SL ва Пергадо Ф фунгицидлари қўлланилган. Уларнинг сохта ун-шудринг ва некрозларга қарши биологик самарадорлиги 15 кундан кейин Превикур SL да 90,9-92,0% ва Пергадо Ф – 86,5-91,5% натижаларга эришилган.

8. Тажрибада Пергадо Ф ишчи эритмасига пиёз бошларини 2 дақиқа солиб қўйиш усулини қўллаганимизда ушбу фунгициднинг ишлов берилгандан 15 кундан кейин кулранг чиришга қарши биологик самарадорлиги 83,7% ни ташкил этди. Ушбу фунгицидининг пиёздаги фузариоз чиришга қарши биологик самарадорлиги ишловдан кейин 15 кун ўтганида 92,2% ни ташкил этди.

9. Пиёз далаларида сохта ун-шудринг касаллигига қарши Превикур SL 722 с.э.к. 1 кг/га сарф-меъёрида қўлланилганида ҳосилдорлик 39,6 т/га бўлган, рентабеллик 164,2% ташкил қилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Qx.13.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ И АНДИЖАНСКОМ
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АВАЗОВ САРДОРЖОН ЭРКИН УГЛИ

**ОСНОВНЫЕ ГРИБНЫЕ БОЛЕЗНИ РАСТЕНИЙ ЛУКА И МЕРЫ
БОРЬБЫ С НИМИ (НА ПРИМЕРЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ)**

06.01.09 – Защита растений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.2.PhD/Qx69 .

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице по адресу www.agrar.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научный руководитель: **Яхьяев Хашим Касимович**
доктор сельскохозяйственных наук

Официальные оппоненты: **Махмудходжаев Нажмиддин Мавлянходжаевич**
доктор биологических наук, профессор

Зупаров Миракбар Абзалович
кандидат биологических наук, доцент

Ведущая организация: Национальный Университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «3 ноября 2017 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Qx.13.01 при Ташкентском государственном аграрном университете и Андижанском сельскохозяйственном институте. (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./Факс (+99871)260-48-00. e-mail: tuag-info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за № 43568). 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел./факс (+99871)260-48-00. e-mail: tuag-info@edu.uz.

Автореферат диссертации разослан «21» октября 2017 г.
(протокол рассылки № 7 от «3» октября 2017 г.)

Б.А. Сулаймонов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.б.н.,
профессор

Я.Х. Юлдашов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней,
к.с.х.н., доцент

М.М. Адиллов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ

(аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Подобно другим высшим растениям, лук подвержен воздействию фитопатогенных организмов из различных систематических групп по территории всего мира, причём основная часть возбудителей относится к грибам. Согласно данным ФАО, ежегодные средние потери урожая лука от вредных организмов составляют до 30%, причем от 20 до 80%, в зависимости от страны, теряется при хранении ¹.

В Республике, в годы независимости, проводятся широкомасштабные мероприятия по развитию различных отраслей овощеводства. В результате этого разработаны технологии получения качественного и высокоэффективного урожая лука в разных сроках сева, а также методы увеличения срока хранения. В Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан в течение 2017-2021 годы уделено внимание защите растений, в том числе «...защиты плодоовощных и бахчевых культур от вредителей и болезней». В связи с этим было уделено большое внимание увеличению исследовательских работ по усовершенствованию и внедрению в производство методов создания растений, устойчивых к болезням и вредителям, подходящим к почвенно-климатическим условиям, и методы профилактики и борьбы с болезнями, вызванных грибами.

В настоящее время в ряде стран, в частности в США, Китае, Японии, Испании и Египте развито направление по увеличению и сохранению полученного урожая луков. В список основных болезней, поражающих посевы лука относятся: ложная мучнистая роса, гниль донца лука, ржавчина, головня, белая гниль, черная гниль (аспергиллёз). В результате нашей работы в условиях Ташкентской области выявлены основные возбудители болезней лука, изучены их культурально-морфологические и биологические особенности развития и разработаны конкретные мероприятия по борьбе с возбудителями болезней.

